

ISSN: 2181-4066

DOI Journal 10.56017/2181-4066

VOLUME I, ISSUE 11



JOURNAL OF PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

**ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ И ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ
ИССЛЕДОВАНИЯ**



IMFAKTOR

NOVEMBER | 2023

ISSN: 2181-4066
DOI Journal 10.56017/2181-4066

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

I-ЖИЛД, 11-СОН

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-11

PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-11

ТОШКЕНТ - 2023

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ | PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

№ 11 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4066-2023-11>

Бош муҳаррир:

Нишонова З.

– психология фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Давлатов Ойбек Ғ.

– педагогика ф.б.ф.д. (PhD)

Таҳририят аъзолари:

1. Юсупова Хабиба Ирискуловна – педагогика ф.б.ф.д. (PhD)
2. Олимов Лазиз Ярашович – психология ф.б.ф.д. (PhD), доцент
3. Элов Зиёдулло Сатторович – психология ф.б.ф.д. (PhD)
4. Ганжиев Феруз Фурқатович – психология ф.б.ф.д. (PhD)
5. Мусаева Мухаббат Эшбаевна – педагогика ф.б.ф.д. (PhD), доцент
6. Умаров Баҳром Норбоевич – педагогика ф.б.ф.д. (PhD)
7. Орипова Раънохон Иброхимовна – педагогика фанлари номзоди, доцент
8. Ўринова Феруза Ўлжаевна – педагогика фанлари номзоди, доцент
9. Ниёзова Лутфия Худайбергандовна – дефектолог - эксперт
10. Салиева Дилором Абдуллаевна – психология фанлари номзоди
11. Останов Шухрат Шарифович – психология ф.б.ф.д. (PhD)
12. Рустамов Шавкат Шухратович – психология ф.б.ф.д. (PhD)
13. Халлокова Максудахон Эргашевна – педагогика ф.б.ф.д. (PhD)
14. Исмаилова Раъно Нураевна – психология ф.б.ф.д. (PhD), доцент
15. Саримова Дилдора Соаталиевна – педагогика ф.б.ф.д. (PhD), доцент
16. Улуғова Шахлола Муслиддиновна – психология фанлари номзоди, доцент
17. Махмудова Зулфия Мехмоновна – психология ф.б.ф.д. (PhD), доцент
18. Худайбергандов Шухрат Шавкат ўғли – педагогика ф.б.ф.д. (PhD)
19. Исматова Дилафруз Тўймуратовна – психология ф.б.ф.д. (PhD)

“Педагогик ва психологик тадқиқотлар” журнали 2022 йил 22 декабрь кунини **№ 054834**-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган. Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 8.2** “**импакт-фактор**” кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади**.

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдурахмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ | PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

ДАВЛАТОВА Фируза Камоловна

Низомий номидаги Тошкент давлат

педагогика университети

мустақил тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10207621>

АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА ЛИНГВИСТИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада акмеологик ёндашув асосида бўлажак чет тили ўқитувчиларнинг лингвистик компетентлигини ривожлантириш технологиялари, механизмлари тўғрисида сўз юритилган. Бугунги кунда чет тили ўқув предмети ахборот коммуникацион технологиялар билан бирга ҳамоханг ўргатилаётганлигини инобатга олиб, лингвотехнология, лингводидактика ҳамда лингвометодика сингари тил ўқитиш технологиялари хусусида таърифлар келтирилган.

Калит сўзлар: акмеология, акмеологический подход, образовательный процесс, языковая компетентность, прагматическая компетентность, социолингвистика, лингводидактика, лингвотехнология.

ТЕХНОЛОГИИ РАЗВИТИЯ ЯЗЫКОВОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ НА ОСНОВЕ АКМЕОЛОГИЧЕСКОГО ПОДХОДА

АННОТАЦИЯ

В данной статье говорится о технологиях и механизмах развития лингвистической компетентности будущих учителей иностранного языка на основе акмеологического подхода. Учитывая тот факт, что предмет иностранного языка преподается одновременно с информационно-коммуникативными технологиями, представлены определения таких технологий обучения языку, как лингвотехнология, лингводидактика и лингвометодология.

Ключевые слова: акмеология, акмеологический подход, образовательный процесс, языковая компетентность, прагматическая компетентность, социолингвистика, лингводидактика, лингвотехнология.

TECHNOLOGIES FOR DEVELOPING THE LANGUAGE COMPETENCE OF FUTURE TEACHERS BASED ON THE ACMEOLOGICAL APPROACH

ANNOTATION

The article deals with about technologies and mechanisms for developing the linguistic competence of future foreign language teachers based on the acmeological approach. Taking into account the fact that the subject of a foreign language is taught simultaneously with information and communication technologies, definitions of such language teaching technologies as linguotechnology, linguodidactics and linguomethodology are presented.

Key words: acmeology, acmeological approach, educational process, linguistic competence, pragmatic competence, sociolinguistics, linguodidactics, linguotechnology.

Тилдан фойдаланиш ва уни ўрганиш инсоннинг бир қанча ҳаракатларини ўз ичига олади ва уларни амалга ошириш жараёнида у ижтимоий фаолият субъекти сифатида бир неча: умумий ва коммуникатив компетенцияларни ривожлантиради. Улар турли шароитларда ҳар хил чекловларни эътиборга олган ҳолда масалаларни ҳал этишни таъминловчи компетенцияларга таянади, ҳамда тегишли стратегияларни қўллаган ҳолда, муайян мавзулар ва мулоқот соҳалари билан алоқадорликда матнларнинг яратилиши ва қабул қилинишига йўналтирилган фаолият турлари ва жараёнлар орқали амалга оширилади.

Мазкур жараёнларнинг мулоқотчилар томонидан ҳисобга олиниши ушбу компетенцияларнинг келгусида ривожланиши ва ўзгаришига олиб келади. Хорижий тилларни ўрганиш, ўзлаштириш ва ўқитишда “компетенциялар”нинг ўрни бекиёсдир. Тил ўрганиш жараёнида “компетенциялар” нафақат кенг қамровли, оммабоп ва изчил, балки очиқ, динамик ҳам бўлиши керак.

Акмеологик ёндашув асосида хорижий тилларни мукамал ўргатиш ёки ўрганишда коммуникатив тил компетенциялари асосий ўринни эгаллайди. Чунки хорижий тилда энг юқори марра – бу коммуникация, яъни мулоқотга кириша олиш малакаси ҳисобланади.

Коммуникатив тил компетенцияси лингвистик, социолингвистик ва прагматик таркибий қисмлардан ташкил топиб, ўз навбатида, уларнинг ҳар бири ўз ичига билим ва кўникмаларни олади.

Лингвистик компетенция ўз ичига лексика, фонетика ва грамматика бўйича билимлар ҳамда тегишли кўникмаларни, шунингдек тилнинг тизим сифатидаги ҳамда вариантларининг социолингвистик аҳамиятига ва аниқ амалга оширилишларнинг прагматик функцияларига боғлиқ бўлмаган ҳолдаги, бошқа хусусиятларини олади. Коммуникатив тил компетенциясига нисбатан қўлланилганда, ушбу таркибий қисм нафақат билимларнинг ҳажми ва сифатини, балки когнитив ташкил этилиш ва сақлаш усулини, шунингдек улардан фойдаланишнинг қулайлигини ҳам назарда тутати. Билимлар ҳар доим ҳам анланган бўлмайди ва ҳар доим ҳам аниқ баён этилмаслиги мумкин (масалан, бу нарса тилнинг фонетик тизимини билишга тааллуқли бўлиши мумкин). Луғатнинг когнитив ташкил этилиши, унинг сақланиши ва фойдаланиш учун қулайлиги турли инсонларда, ҳатто биртта одамнинг ўзида ҳам турлича бўлиши мумкин (масалан, кўп тиллилик ҳолатида) ва ўқувчиларнинг индивидуал қобилиятига, шунингдек инсон вояга етган ва ўқиётган маданий муҳитга боғлиқ бўлади.

Социолингвистик компетенция тилдан фойдаланишнинг ижтимоий-маданий шароитларини акс эттиради. Ижтимоий қоидаларга (муомала маданияти, турли ёш, синф ва ижтимоий гуруҳлар вакиллари ўртасидаги мулоқот қоидалари, мазкур жамиятда қабул қилинган муайян маросимларнинг тил воситасида баён этилиши) йўналтирилганлиги боис социолингвистик компонент турли маданият вакиллариининг нутқий мулоқотига катта таъсир кўрсатади, гарчи улар аксарият ҳолларда бунинг англаб етмасалар ҳам.

Прагматик компетенция ўзаро муносабат схемаларига мос тарзда муайян функционал мақсадларда (коммуникатив функцияларни амалга ошириш, нутқий ҳаракатларнинг самаралари) тил воситаларидан фойдаланишни назарда тутди. Мазкур компонентга, шунингдек дискурсни эгаллаш, когезия, когерентлик, матнларнинг тур ва шакллари англаш, истехзо ва пародия ҳам киради. Прагматик компетенциянинг шаклланишига ижтимоий ўзаро муносабатлар ва маданий муҳит жуда катта таъсир кўрсатади.

Юқорида санаб ўтилган компетенцияларнинг ривожланганлиги бўлажак чет тили ўқитувчиларининг касбий етуклигини ифодалайди.

Касбий етуклик тушунчаларига олимлар томонидан қатор таърифлар берилган. Жумладан, республикамиз олимлари Н.Муслимов ҳамда Н.Эгамбердиеваларнинг илмий тадқиқотларида мазкур масала алоҳида тадбиқ қилинган.

Ундан ташқари ўқув жараёнига компетенциявий ёндашувини татбиқ этиш муаммоси ўз тарихига эга бўлиб, келиб чиқишига кўра, Н. Хомский [6, Б.21], Р. Уайт [8, Б.290], Ж. Равен [3, Б.18], Д. Хаймс [7, Б.48] каби хорижий муаллифлар тадқиқотларига бориб тақалади.

Коммуникатив компетенция фойдаланувчилар томонидан нутқий фаолиятнинг идрок этиш, эслаш, интерактив ҳаракатлар ва медиация (жумладан, оғзаки ва ёзма таржима) билан боғлиқ ҳар хил турлари орқали амалга оширилади. Бутун нутқий фаолият ҳам оғзаки, ҳам ёзма шаклда амалга оширилади. Кўринадики, коммуникатив компетенция ҳам таянч компетенциялар асосида турадиган ҳам хусусий компетенциялар йиғиндисидан келиб чиқадиган, компетентликни таъминлаб беришга хизмат қиладиган асосий компетенциядир.

Лингвистик компетенцияларни ривожлантиришда қўлланиладиган технологиялар ҳамда малакаларни умумлаштириб кўриб чиқсак:

- *проект технология;*
- *ўқиш ҳамда ёзув орқали танқидий тафаккурни ривожлантириш;*
- *ўйин технологиялар;*
- *муаммоли вазиятларни ечиш;*
- *интерактив (жуфт, кичик гуруҳлар) ўқитиш технологияси;*
- *таълим мазмунига асосланган технология;*
- *модул технологияси;*
- *аудиолингвал ҳамда аудиовизуал технологиялар*

Лингвистик компетенцияларни ривожлантириш орқали эгалладиган умумий малакаларга эса

- *аутентик матнларни ўқиш ҳамда тушуниш;*
- *матнларни ўқиганда унинг асосий ғоясини англаш;*
- *кундалик ҳаётга оид ситуатив вазиятларда коммуникацияни амалга ошириш;*
- *ижтимоий ҳаётга оид мавзуларда диалогик ва монологик нутқни амалга ошириш;*
- *жаҳон маданияти ҳақида тасаввурга эга бўлиш, таълимга оид мавзуларда янги маълумотлар олиш;*
- *ўқитувчи нутқини тушуна олиш;*
- *тинглаган маълумотни тўлиқ, батафсил тушуниш;*
- *шахсий хатларни ёзиш;*
- *ўрганган сўзларни нутқидида ишлата олиш ва бошқалар.*

Ҳозирги даврда чет тилларни ўқитишнинг асосий мақсади лингвистик билимлар, кўникма ва малакаларни ўргатиш билан бир қаторда мамлакатшуносликка оид маълумотларни рисоладагидек ўргатиш ҳамдир. Бу, айниқса, ҳозир жуда муҳим, «халқлар, тиллар, маданиятларнинг бир-бирига аралашуви мислсиз кенг қулоч ёйганида – ўзга маданиятларга бағрикенгликни тарбиялаш, уларга нисбатан қизиқиш ва ҳурмат уйғотиш ҳамда ўзида ўзга маданиятлардаги ортиқчалик, етишмаслик ёки ўхшамаслигидан ғашланиш ҳиссини енгиш каби муаммолар кўндаланг туради.

Айнан шу муносабат билан маданиятлараро коммуникация масалаларига нисбатан ҳар томонлама қизиқиш уйғонган» [5, Б.4].

Дарҳақиқат, ҳозирги кун чет тилларини ўқитишнинг лингвистик контексти ўзгарди, яъни хорижий тилни тўртта компетенция - тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш, ёзиш ва гапириш кўникмаларини янгича ёндашув асосида ўрганиш замонавий тил таълимининг асосий йўналиши ҳисобланади. Лингвистик компетентликни ҳар томонлама ривожлантиришда тили ўрганилаётган жамият маданияти билан уйғун равишда ўрганишни бугунги кун тилшунослари мақсадга мувофиқ деб ҳисобламақдалар. Чунки тил жамият тараққиёти маҳсули ва унинг маданияти ташувчисидир. Лингвистик компетентлик етарли ёки ҳатто юқори даражада бўлганида ҳам нолисоний борлиқ ҳақидаги билимларнинг етишмаслиги боис чет тилида мулоқот самараси пасайиб кетиши мумкин. Халқаро мулоқот тилларини ўқитишнинг ҳозирги босқичида тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билиш тилдан фойдаланишда муҳим аҳамиятга эга. Лингвистик, социолингвистик ҳамда прагматик компетенцияларни уйғун тарзда ўқитиш бўлажак чет тили ўқитувчиларининг акме мутахассис бўлиб етишишларига замин яратади.

Яна шуни эътироф этиш жоизки, бугунги кунда чет тили ўқув предмети ахборот коммуникацион технологиялар билан бирга ҳамоҳанг ўргатилмоқда. Шу ерда янги тармоқ *лингвотехнология* – тил ўқитиш технологияси фанини эътироф этиш мақсадга мувофиқ. Мазкур фан ҳам чет тилни белгиланган талаблар асосида ўқитишда бекиёс хисса қўша оляпти деб бемалол айтиш мумкин. *Лингводидактикага* тил ўқитиш назарияси деб қаралса, *лингвометодика* эса, аниқ бир тил (инглиз, француз, немис)ни ўқитиш таълимоти сифатида фарқланади. Хорижий тилни ўқитишда ўқитувчи учун асосий кўрсатмалар лингводидактик тамойилларга биноан акс эттирилади. Мазкур тамойиллар куйидагилардан иборат. Таълим шароити, таълим мақсади, таълим мазмуни, таълим методлари, таълим воситалари ва бошқалар. Чунончи, ушбу мураккаб жараён ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигида кечади. Н.Д. Гальсковонинг таъкидлашича [1, Б.71], чет тил ўқитиш жараёни мураккаблиги, кўпқирралилиги ва кўп омиллиги билан бошқа ўқув фанларидан фарқ қилади.

Г.Э.Пифонинг таъкидлашича [2, Б.127], таълим мазмуни шундай мураккаб жараён бўлиб, дидактика “нима” (эгалланган билимлар ҳажмидан), “нима учун” (ўқувчи учун ўрганадиган ўқув предмети нуктаи назаридан), “нега” (таълим жараёнида ўқувчилар эҳтиёжидан келиб чиқиб танланади), “қачон” (таълим шароитига биноан, ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари инобатга олинади), “қандай қилиб” (олган билимларни амалиётда қўллай олиш малакасига эга бўлиши керак) каби мураккаб саволларга жавоб бериши керак. Лингводидактик атама деб эътироф этилган юқорида баён қилинган шароит тушунчасига қайтсак, таълим мазмунига таяниб, қаерда, кимга ва қанча вақт хорижий тилни ўргатиш билан боғлиқ тушунчаларни ифодалайди.

Янада аниқроқ айтилганда,

(1) Қаерда? саволига

(А) олий таълим муассасаси 1-4 босқичларда;

(Б) Чет тил нутқий муҳит мавжуд ва мавжуд бўлмаган ерда ўргатиш:

(2) Кимга деганда, олий таълим муассасаларида бўлажак чет тили ўқитувчиларига хорижий тилни ўргатиш:

(3) Қанча вақт деганда, ўқув дастурига мувофиқ интенсив (жадаллаштирилган қисқа муддатли) ёки экстенсив (вақт эътибори билан чўзилган) шароитда таълим бериш каби тушунчалар назарда тутилади.

И.Д.Салистра [4, Б.11], чет тил ўқитиш мазмунига тил материалидан ташқари, талаба томонидан эгалланган малака ва кўникмаларни киритган. И.Л.Бим ўқитиш мазмуни ва ўқув предмети мазмунини алоҳида таърифлайди. Унинг фикрича ўқитиш мазмуни бу ўқиш ва ўқитиш жараёнини белгилайди.

Ўқитиш мазмуни орқали белгиланган мақсадга тезроқ эришиш учун лингвистик материални методик томондан ташкил қилиш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, чет тили ўргатиш методикасида талабаларнинг тил тажрибаси чет тилни ўрганишда тўсиқ бўлиши (салбий таъсир – *интерференция*) ёки ёрдам бериши (ижобий таъсир – *транспозиция*) кузатилади. Мазкур жараён ўта мураккаб бўлиб, унинг самарадорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ.

Биринчидан, хорижий тилни ўқитишда нутқ фаолияти турлари (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзув)ни яхлит ва изчилликда ўргатиш;

Иккинчидан, Давлат таълим стандарти талабларига мувофиқ, лингвистик (нутқий, тил), социолингвистик, прагматик компетенцияларни изчилликда ривожлантириш;

Учинчидан, фанлар интеграция (ўқув фанларнинг ўзаро алоқадорлиги)ни инобатга олиш;

Тўртинчидан, нутқ фаолияти турлари ва шакллари (оғзаки ва ёзма) орасидаги боғлиқликни таъминлаш;

Бешинчидан, талабаларни мустақил таълимга йўналтириш ва бошқалардан иборат.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES

1. Гальсково Н. Теория обучения иностранным языкам. Лингводидактика и методика. М.: Академия, 2004. – С.336.
2. Пифо Г. Ситуации как поводы для языковой коммуникации на начальной ступени обучения английскому языку. М.: Прогресс, 1976. – С.235.
3. Равен Д. Компетентность в современном обществе. Выявление, развитие и реализация. – М., 2002, – С. 27.
4. Салистра И. Очерки методов обучения иностранным языкам. Система упражнений и система занятий. М.: Высшая школа, 1966. – С. 14.
5. Тер-Минасова А. Язык и межкультурная коммуникация. – М.: Слова, 2000. – С. 9.
6. Хомский Н. Язык и мышление / Н.Хомский. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 1972. – С. 122.
7. Hymes. D. On Communicative Competence. In J.B.Pride and J.Holmes, Sociolinguistics. Harmondsworth: Penguin, 1972. p. 293.
8. White R. Motivation Reconsidered: the Concept of Competence // Psychol. Rev. - 1959. - Vol. 66, N 5. 332 p.

ISSN: 2181-4066
DOI Journal 10.56017/2181-4066

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

I-ЖИЛД, 11-СОН

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ
ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-11

PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-11

«Педагогик ва психологик тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054834-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz